

## Маҳаллада оилавий муаммомолар, қайнона-келин муносабатлари

Давлатимиз томонидан томонидан оилаларни мустаҳкамлашга қаратилган қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Радио, телевидения ва бошқа оммавий ахборот воситалари орқали бу борада турли туман кўрсатув, эшиттириш, мақола ва ҳоказоларни эълон қилиш орқали маънавий ишлар олиб борилмоқда. Эътиборингизни яна бир нарсага қаратмоқни лозим кўрдик. У ҳам бўлса, баъзи оилалардаги келишмовчиликнинг тилни тиймаслик оқибатида келиб чиқаётганидир. Бугун Ер ресурсларини бошқариш факультетига бириктирилган Мирзо Улуғбек номидаги “Асака” маҳалласида “Оилаларда қайнона-келин муносабатлари” мавзусида маҳалла истиқомат қилаётган қайнона-келинлар ўртасида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда Ер ресурсларини бошқариш факультетидан Ёшлар билан ишлаш бўйича декан муовини Ҳ.Эшова, “Ердан фойдаланиш” кафедраси катта ўқитувчиси З.Хафизова маърузачи сифатида иштирок этишди. Маълумки, пароканда бўлаётган оилаларимизда содир бўлаётган жанжал-тўполонларнинг аксарияти қайнона-келин можароларидан келиб чиқмоқда. Оиланинг мустаҳкамлиги жамият учун муҳим саналади, чунки айнан мана шу оилада жамият аъзоси сифатида фарзанд тарбия топади.



Икки ёшнинг бирга умр йўллари бoғлаши бу оиланинг асоси ҳисобланади. Уларнинг бир-бирларини тушуниб, ўзаро ҳамжиҳат бўлиб ҳаракат қилиши, келажак ворисларини дунёга келтириб, жамиятга, инсонларга нафи тегадиган шахс қилиб тарбия қилишлари оилада соғлом муҳитнинг юзага келишига, ҳамда бахтиёрлик тушунчасига омил бўлади. Оиланинг мустаҳкам бўлиши нафақат эр ва хотинга, балки қайнона ва қайноталарга ҳам боғлиқ томонлари бор. Қайнона-келин муаммоси ҳақида жуда кўп эшитгансиз, ҳатто улар сабаб оилаларнинг бузилишига ҳам гувоҳ бўлгандирсиз. Қайнона ва келинларимиз бир-бирларига нисбатан бағрикенг, сабрли бўлсалар айни муддао бўларди. Айрим қайноналар келинларига зулм қилишлари ҳам ҳеч кимга сир эмас. Баъзи ўзига ҳаддан зиёда бино қўйган қайноналар ўзларини бамисоли бир қироличадек, келинларини эса чўридек ҳисоб қиладилар. Арзимас сабаблар билан келинларини турткилайверадилар. Келин сал ухлаб қолса, ёки қайнонанинг оёқ кийимини тўғрилаб қўймаган бўлса, ёки ҳадеганда бўйида бўлавермаса, бошидан тегирмон тоши юргизадилар.



Баъзи қайноналар, келиннинг уйдан вақти-вақти билан сара-сара нарсалар келиб турмаса, сарпо ва мебеллари яхши бўлмаса келинига кун бермайди. Ҳаммага келинини ёмонлаб юради, қудандаларини назари “паст” эканидан нолийди. Келинига қўпол муомала қилади. Дилини оғритади. Бу ҳам тил офатларига киради. Қайноналик ҳам маъсулият, ўзга бир оила муҳитида тарбия топган қизни ўз қизидек қабул қилиш, унга ғамхўрлик кўрсатиш ҳам катта фидоийлик талаб қилади. Қайнона юрагининг бир парчасини ўзга хонадондан келган бир қизга тортиқ қилади. Келин ҳам кимнингдир кўз қорачиғидай, асраб, авайлаб катта қилган дилбанди ҳисобланад. У шу хонадон давомчилари бўлган ворисларни дунёга келтиради... Атрофимизда қайнона-келинларнинг яхшиси ҳам ёмони ҳам бор буни инкор қилиш қийин. Қайнона-келин муаммоси ҳақида гап кетганда айбни бир кишидан излаш нотўғри, албатта. Аммо кимнингдир яхши муносабатини суъистемол қилиб ёмонга айланишига ўзимиз сабабчи бўлиб қолишимиз мумкин. Шунингдек маҳалладаги энг яхши қайнонага, келинга ва энг яхши оқила қизга “Асака” маҳалласи томонидан ташаккурнома ва совғалар топширилди. Аллоҳ таоло барчаларимизнинг оилаларимизга тинчлик-хотиржамлик ва бахту саодатни насиб этсин.

